

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2021.Fil.70.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ЭРНАЗАРОВА ГУЛНОЗА МУРОДОВНА

**ЎЗБЕК ТИЛИ МИНЕРАЛОГИЯ ТЕРМИНЛАРИНИНГ
ЛИНГВИСТИК ТАДҚИҚИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2022

УДК: 4=943.75(021)

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

Эрназарова Гулноза Муродовна

Ўзбек тили минералогия терминларининг лингвистик тадқиқи..... 5

Эрназарова Гулноза Муродовна

Лингвистическое исследование терминов минералогии узбекского языка..... 25

Ernazarova Gulnoza Muradovna

Linguistic study of mineralogy terms of the uzbek language..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 49

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2021.Fn.70.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШИ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ЭРНАЗАРОВА ГУЛНОЗА МУРОДОВИА

**ЎЗБЕК ТИЛИ МИНЕРАЛОГИЯ ТЕРМИНЛАРИНИНГ
ЛИНГВИСТИК ТАДҚИҚИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси** ҳузурдаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Fil795 рақам билан руйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси **Навний давлат педагогика институтида** бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий Кенгашнинг веб-саҳифасида (www.qarshidu.uz) ва "Ziyoue!" Ахборот таълим порталида (www.ziyoue.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Лутфуллаева Дурдона Эсоновна**
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Жабборов Хужамурол**
филология фанлари доктори, доцент
Ахмедова Наргиза Шихназаровна
филология фанлари номзоди, доцент

Етақчи ташкилот: **Самарқанд давлат университети**

Диссертация химояси Қарши давлат университети ҳузурдаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2021.Fil.70.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 29 июн соат 2 даги мажлисида булиб ўтади (Манзил:180103, Қарши шаҳри, Кучабог кучаси, 17.Тел:(0375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@mail.uz). Қарши давлат университети, Педагогика факультети, 301-хона.

Диссертация билан Қарши давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан руйхатга олинган). (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кучабог кучаси, 17. Тел.:(0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail:qarshidu@mail.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил 17 июн -да тарқатилди
(2022 йил "17" 03 даги 17 - рақамли реестр баенномаси).



Н.Н. Шодмонов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
ф.ф.д., профессор

Г.Н. Тожиёва
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
ф.ф.ф.д. (PhD)

Х. Жабборов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, филол.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё тиллари терминологик тизимида жамиятда юз берган сунгги йиллардаги иқтисодий, сиёсий, маънавий, техник-технологик тараққиёт натижалари, давлатларнинг турли соҳалардаги ҳамкорлик алоқалари, тезкор ахборот алмашинувининг йулга қўйилиши ва тилларнинг ўзаро алоқаси ўлароқ қўллаб янги терминлар ҳосил қилинди, ўзга тиллардан терминлар ўзлаштириш жараёни сезиларли даражада кучайди. Бу ҳолат соҳавий терминлар тадқиқи масаласини урганишга қаратилган лингвистик тадқиқотларнинг юзага келишига туртки берди, янги изланишлар учун йўл очди, ҳал этилиши лозим бўлган долзарб муаммоларни белгилаб берди. Жумладан, кейинги йилларда юртимизда минералогия соҳасининг кескин суръатларда ривожланиши ва бунинг натижасида соҳа терминологиясига қўллаб янги терминларнинг кириб келиши ушбу терминларнинг лексик-семантик, структур-деривацион хусусиятлари, адабий тил меъёрларига қай даражада мослиги, инсон омили билан боғлиқ ҳолда бошқа нутқ услубларида қўлланиш хусусиятлари каби масалаларни илмий тадқиқ этиш заруратини юзага келтирди.

Жаҳон тилшунослигида ХХ асрнинг сунгги чорагидан бошлаб терминлар тил луғавий тизимининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида ҳар томонлама ўрганиб келинмоқда. Терминологиянинг тараққиёти нафақат фаннинг, балки жамиятнинг ривожланиши билан узвий боғлиқ эканлиги илмий жиҳатдан асосланди. Бу соҳада дунё тилшунослигида муайян ишлар амалга оширилганига қарамай, тадқиқ этилиши лозим бўлган муаммолар ҳам йўқ эмас. Жумладан, шу кунга қадар мамлакатимизда ўзбек тили луғавий қатламида алоҳида ЛСГ (лексик-семантик гуруҳ)ни ташкил этувчи минералогия терминлари, уларнинг ўзбек адабий тили луғавий тизимида тутган ўрни, лексик-семантик ва грамматик тузилиши, услубий қўлланиши, лингвопоэтик хусусиятлари яхлит монографик аспектда ўрганилган эмас. Зеро, муҳтарам президентимиз қайд этганларидек, “айни пайтда дунёда илм-фан ва технологиялар шиддат билан ривожланиб, мамлакатимизнинг халқаро ҳамкорлик алоқалари тобора кенгаймоқда. Натижада ҳаётимизга четдан қўллаб янги тушунча, суз ва иборалар кириб келмоқда. Глобаллашув шароитида миллий тилимизнинг софлигини сақлаш, унинг луғат бойлигини ошириш, турли соҳаларда замонавий атамаларнинг ўзбекча муқобилини яратиш, уларнинг бир хил қўлланишини таъминлаш долзарб вазифа бўлиб турибди”¹. Булар каторида тилшунослигимизда минералогия соҳаси терминологик тизими бирликларини ҳам ҳар томонлама чуқур илмий асосда ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда илм-фан, таълимни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ислохотлар, айниқса, ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мақомини оширишга қаратилган сунгги фармон ва қарорлар тилшунослар зиммасига масъулиятли вазифаларни юкламоқда. “Ўзбекистон илм-фан,

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг ўзбек тилига давлат тилимақоми берилганининг уттиз йиллиги га бағишланган тантанали маросимдаги нутқи //Халқ сузи, 2019 йил, 22 октябрь.

интеллектуал салоҳият соҳасида дунё миқёсида рақобатбардош бўлиши шарт² лиги² хақидаги даъватлар бошка фан соҳалари қаторида ўзбек тилшунослигида ҳам тил тизими бирликларини илмий ўрганишга замонавий тадқиқ усулларини татбиқ этиш, ечимини қутаётган тил ҳодисаларини аниқлаб, илмий асосда чуқур ўрганиш лозимлигини кўрсатмоқда. Бу жиҳатдан диссертация мавзусининг ўзбек тили минералогия терминларининг лингвистик тадқиқига бағишланганлиги унинг долзарблиги ва бугунги куннинг зарурий масалаларидан бири эканлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси туғрисида”ги фармони, 2017 йил 16 февралдаги ПФ – 4958-сон “Олий ўқув юртидан кейинги таълимни янада такомиллаштириш туғрисида”ги фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ – 2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари туғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сон “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш туғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошка меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослигида терминология ва унинг назарий асослари, айрим соҳа терминларининг лингвистик хусусиятлари, терминларни тартибга солиш масаласи Г.О.Винокур, Д.С.Лотте, А.А.Реформатский, О.С.Ахманова, В.П.Даниленко, А.В.Суперанская ва бошка олимлар томонидан муайян даражада ўрганилган³.

Ўзбек тилшунослигида турли фан соҳаларига оид терминлар дастлаб XX асрнинг 20-30-йилларида, аксар ҳолатларда, соф амалий мақсадларни қўзлаб ўрганилган. Айнан шу даврда терминларнинг хусусиятлари, терминларни қандай қўллаш масаласи, русча-байналмилал, арабча, форсча ёки умумтуркий

²Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь. 258-сон.

³Винокур Г.О. О некоторых явлениях словосложения в русской технической терминологии. // Труды МИФЛИ. Т.5. Сборник статей по языковедению. – М., 1939 – С. 3-54; Лотте Д.С. Основы построения научно-технической терминологии. – М., 1961; Лотте Д.С. Как работать над терминологией. Основы и методы. – М., 1968; Лотте Д.С. Вопросы заимствования и упорядочения иноязычных терминов и терминологических элементов. – М.: Наука. 1982; Реформатский А.А. Что такое термин и терминология? // Вопросы терминологии. – М., 1961 – С. 46-54; Ахманова С.С. Словарь лингвистических терминов. Изд. 2. – М.: Советская энциклопедия. 1969; Даниленко В.П. Русская терминология. Опыт лингвистического описания. – М.: Наука. 1977; Суперанская А.В., Подольская Н.В., Васильева Н.В. Общая терминология. Вопросы теории. – М.: Наука, 1989.

терминлардан қай бирини қўллаш афзаллиги ҳақидаги қатор мақолалар⁴, У.Турсуновнинг терминология масалаларига оид рисоласи⁵ эълон қилинган.

Хозирги даврда ўзбек тилшунослигида соҳавий терминлар турли аспектларда ўрганилмоқда. Бу ҳолат тилшуносликка кириб келган замонавий тадқиқ усуллари, илим-фан соҳаларининг тараққиёти, фан ютуқларининг ишлаб чиқаришга татбиқ этилиши каби омиллар билан бевосита боғлиқ. Шунингдек, тилшунослигимизда терминларни тартибга солиш ва барқарорлаштириш сингари амалий масалаларга ҳам катта эътибор берилмоқда. Жумладан, кейинги йилларда терминология масалаларига бағишланган кўпиаб диссертациялар ёқланди, монография, рисола ва илмий мақолалар эълон қилинди, терминологик лўғатлар чоп этилди. Терминшунослардан С.Иброҳимов, У.Турсунов, О.Усмонов, Ҳ.Ҳасанов, Н.Маматов, С.Акобиров, Р.Дониёров, Ҳ.Жамолхонов, Н.Қосимов, А.Мадвалиев, Н.Маҳкамов, М.Абдиев, Х.Жабборов, Р.Нуритдинова, Р.Шаропова⁶ ва бошқалар ўз тадқиқотлари, амалий тавсиялари билан ўзбек терминологияси ривожига у ёки бу даражада ҳисса қўшдилар.

Тилшунослигимизда бугунга қадар пахтачилик, ботаника, тилшунослик, адабиётшунослик, математика, физика, техника, мусиқа, доришунослик, тиббиёт, кимё, электротехника, халқ амалий санъати турлари ва бошқа соҳалар терминлари лисоний жиҳатдан чуқур ўрганилди, уларни тартибга солириш юзасидан муайян тавсиялар ишлаб чиқилди. Аммо ўзбек

⁴Бу ҳақда қаранг: Перый Всесоюзный терминологический съезд 26 февраля 5 марта 1926 г (стенографический отчет) – Баку, 1926; Тил – имло конференцияси материаллари. 1929 йил май ойининг 15-23 кунларида Самарқандда бўлиб ўтган Ўзбекистон микесида тўпланган конференциянинг тула ҳисоботи. – Тошкент-Самарқанд, 1926; Жаббаров С. Ўзбек кимё номенклатураси тўғрисида // Социалистик илим ва техника 1933. №2–3; Иброҳимов С. Тил – термин масалалари // Қурилиш. 1931. №3 ва бошқалар.

⁵Турсунов У. Терминология масалалари. – Тошкент, 1933.

⁶Ибрагимов С. Профессиональная лексика узбекского языка: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – Ташкент, 1961. – С. 11; Иброҳимов С. Ипақчилик халқ терминлари масаласига доир // Тил ва адабиёт институти асарлари – Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1949; Иброҳимов С. Фарғна шеваларининг касб-хунар лексикаси I. – Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1956; Иброҳимов С. Фарғна шеваларининг касб-хунар лексикаси II, III. – Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1959; Турсунов У. Ўзбек адабий тилида сўз-терминлар танаош принциплари – Самарқанд: СамДУ, 1956. – 136 б.; Турсунов У. Ўзбек терминологиясининг бойиш йўллари // ЎзДУ асарлари. Янги серия 102-сон. – Самарқанд, 1959; Турсунов У. Ўзбек терминологияси масалалари // Тошкент: Ўздавнаптр, 1933. – 42 б.; Усмонов О. – қор аффикси ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1975 – №1. – Б. 38-46; Усмонов О. – дор аффикси ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1976 – №1. – Б. 51-56; Усмонов О. Русча не- префикси сўз – терминларининг ўзбек тилида ифодаланишида но- префиксининг роли // Ўзбек тили ва адабиёти, 1979. 2-сон. – Б. 18-20; Ҳасанов Ҳ. Географик номлар имлоси – Тошкент: Фан, 1967 – Б. 3-63; Ҳасанов Ҳ. Урта Осиё жой номлари тарихидан. – Тошкент: Фан, 1965. – Б. 3-45; Маматов Н. Узбекская хлопководческая терминология: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Тошкент, 1955 – 17 с.; Акобиров С.Ф. Тил ва терминология – Тошкент, 1968 – 40 б.; Акобиров С. Терминология ипнинг мазмуни ва вазифалари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1964 № 3. – Б. 17-21; Дониёров Р. Ўзбек тилининг илмий – техникавий терминлари тарихидан – Тошкент: Фан, 1973 – 116 б.; Уша муаллиф. Ўзбек тили техник терминологиясининг айрим масалалари – Тошкент: Фан, 1977 – 160 б.; Уша муаллиф. Узбекская терминология // Развитие терминологии на языках союзных республик СССР – М., 1987 – С. 7-28; Уша муаллиф. Ўзбек тилининг техник терминологиясининг айрим масалалари – Тошкент: Фан, 1979. – 90 б.; Джамялханов Х.А. К истории формирования и развития узбекской ботанической терминологии: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – ашкент, 1968; Қосимов Н. Техникавий терминлар шалпилда аффиксларнинг иштироки // Ўзбек тили ва адабиёти, 1974. № 2. – Б. 37-42; Қосимов Н. Ўзбек тили илмий-техникавий терминологияси. – Тошкент: Фан, 1985; Жаббаров Х. Ўзбек тилининг сунорши лексикаси Филол. фан. номзад. дисс. ... автореф. – Тошкент, 1996 – 26 б.; Нуритдинова Р.С. Ўзбек ономастикаси терминларининг лисоний тахлили Филол. фан. номзад. дисс. ... автореф. – Тошкент, 2005. – 25 б.; Шаропова Р. Ўзбек тили ижтимоий-сиёсий терминларининг семантик структур хусусиятлари ва лексикографик тақлини Филол. фан. бўйича фан. док. (PhD) ... дисс. автореф. – Қарши, 2019 – 23 б.

минералогия терминологиясининг умумназарий масалалари, тил лугавий тизимида алоҳида ЛСГни ташкил этувчи минералогия терминлари буйича махсус тадқиқот олиб борилмади. Аммо бугунги кунга қадар мамлакатимизда геология ва минералогия терминларига оид лугатлар нашр этилганлиги эътиборга лойиқ⁷.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Навоий давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ўзбек тилшунослигининг назарий ва амалий масалалари” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Мазкур диссертациянинг асосий мақсади ўзбек тилидаги минералогия терминларининг лексик-семантик, когнитив, структур-деривацион ва лингвопозитик хусусиятларини ёритишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Мазкур ишнинг асосий вазифалари қуйидагилар билан белгиланади:

ўзбек тилшунослигида минералогия терминларини урганишга доир муаммоларни белгилаш;

классик манбалар асосида ўзбек тилида минералогия терминларининг кулланиш тарихини ёритиш;

ўзбек тилида минералогия терминларининг шаклланишидаги когнитив асосларни аниқлаш;

минералогия терминларида синонимия, омонимия ва вариантлилиқ масаласини ёритиш;

ўзбек тилидаги минералогия терминларининг генетик таркибини урганиш;

минералогия терминларини структур жиҳатдан тавсифлаш;

ўзбек тилида минералогия терминларининг ясалиш моделларини аниқлаш;

ўзбек тили минералогия терминларининг лингвопозитик хусусиятларини очиқ бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўзбек тилидаги минералогия терминлари танланган.

Тадқиқотнинг предмети. Мазкур тадқиқотнинг предмети ўзбек тили минералогия терминларининг лингвистик хусусиятларини тадқиқ этишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда тавсифлаш, таснифлаш, лексик-семантик, деривацион, когнитив ва лингвопозитик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

⁷ Мирбобоев М., Содиқов О., Султонов С. Қисқача геологик-разведка терминлари сузлиги. – Тошкент, 1941. – 70 б.; Содиқов О. Геология лугати: геология терминларининг изоҳли лугати. – Тошкент, 1958. – 276 б.; Мавлонов Ғ.О., Укитиев И. Русча-ўзбекча геология терминлари лугати. 1-қисм. – Тошкент, 1978. – 304 б.; Муаллифлар. Қончилик атамаларининг русча-ўзбекча қисқача лугати. – Тошкент: 1993. – 90 б.; Муаллифлар. Геология атамаларининг русча-ўзбекча қисқача лугати. – Тошкент, 1994. – 96; Долимов Г.Н., Аҳмаджонов М.О., Қодиров М.Х. Геологиядан русча-ўзбекча лугат. – Тошкент, 1995. – 240 б.; Муаллифлар. Маъдан геологияси атамаларининг қисқача изоҳли русча-ўзбекча лугати. – Тошкент, 2002. – 252 б.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбек тили минералогия терминларида синонимиянинг юзага келиши уни кашф этган кишилар номи билан аталиши, турли хоссаларига қўра номланиши, минералогияга оид мавжуд билимларнинг такомиллашуви ёки инсон томонидан қайта англаниши натижасида янги терминларнинг ҳосил бўлиши аниқланган;

Ўзбек тили минералогия терминологиясининг ўз қатлами ўзбекча ва умумтуркий терминлардан, ўзлашма қатлам эса араб, форс-тожик, рус тили ва рус тили орқали юнон-грек, лотин, француз, немис ва бошқа Европа тилларидан ўзлашган терминлардан таркиб топганлиги очиб берилган;

бадий матнларда минералогия терминлари билан ҳосил қилинган метафоралар муҳим тасвирий восита бўлиб қолмасдан, нутқни безаш, ҳис-туйғуни, фикрни образли ифодалаш воситаси даражасига кўтарилиши далилланган;

бадий матнга метафорик маъноларда қўлланган минералогия терминларини киритиш орқали тасвир объектига мос равишда бебаҳо сўз, насл-насаб, мазмун-моҳият, турли-туман ранг, беғуборлик, мусаффолик каби поэтик тасвир яратилиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқот натижалари ўзбек тилининг терминологик тизимини амалий жиҳатдан янги далилий материаллар билан бойитишга хизмат қилади;

тадқиқот асосида олий ўқув юртлари филология йўналишида “Терминларнинг лингвистик хусусиятлари” мавзусида махсус курс ва семинарлар ташкил этиш мумкин;

“Лингвопозэтика”, “Соҳавий терминология” бўйича танлов фанларини ўқиш ҳамда “Ҳозирги ўзбек адабий тили” фанидан яратиладиган дарслик, ўқув қўлланмаларида терминология масалаларига доир бўлимни ёзишда фойдаланиш мумкин;

тадқиқот натижалари “Ўзбек тили минералогия терминларининг изоҳли лўғати”ни тузишда ҳам муҳим манба вазифасини ўтайди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек тили минералогия терминларининг лингвистик тадқиқи масалларини ёритиш жараёнида олинган илмий натижалар асосида:

ўзбек тили минералогия терминологиясининг ўз қатлами ўзбекча ва умумтуркий терминлардан, ўзлашма қатлам эса араб, форс-тожик, рус тили ва рус тили орқали юнон-грек, лотин, француз, немис ва бошқа Европа тилларидан ўзлашган терминлардан таркиб топганлигига доир илмий хулосаларидан ФА-Ф1-ГООЗ рақамли “Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши” номли фундаментал лойиҳада фойдаланилган (ЎзР ФА Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 2 апрелидаги 1701/42-сон маълумотномаси). Натижада минералогия терминларининг диахрон ва синхрон шакллари, қайси тилдан келиб чиққанлигини аниқлашга доир маълумотлар билан бойитиш имконини берган;

минералогия терминларида синонимиянинг юзага келиши уни кашф этган кишилар номи билан аталиши, турли хоссаларига кўра номланиши, минералогияга оид мавжуд билимларнинг такомиллашуви ёки инсон томонидан қайта англаниши натижасида янги терминларнинг ҳосил булиши аниқланганлигига доир хулосаларидан ФА-Ф1-ГООЗ рақамли “Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши” номи фундаментал лойиҳада фойдаланилган (ЎЗР ФА Қорақалпоғистон булимининг 2021 йил 2 апрелидаги 1701/42-сон маълумотномаси). Натижада минералогия илмий терминологиясини такомиллаштириш орқали утмишда қўлланган бой материалларга мурожаат қилиш ва лисоний жиҳатдан урганиш зарурлиги ҳақидаги хулосаларни бойитиш имконини берган;

бадий матнга метафорик маъноларда қўлланган минералогия терминларини қиритиш орқали тасвир объектига мос равишда бебаҳо сўз, насл-насаб, мазмун-моҳият, турли-туман ранг, беғуборлик, мусаффолик каби поэтик тасвир яратиш хусусидаги илмий хулосалардан Навоий вилоят телерадиокомпанияси адабий-бадий, маънавий-маърифий дастурлари сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Навоий вилояти телерадиокомпаниясининг 2021 йил 22 март 01-02/95-сон маълумотномаси). Натижада инсон ҳаётида муҳим урин тутган ва саноатнинг турли соҳаларида асосий материал сифатида ишлатилувчи минераллар, уларни ифодаловчи бирликларнинг адабий тил ривожигаги урни хусусидаги замонавий қарашларни оммалаштиришга хизмат қилиши ҳамда илмий аҳамиятини оширишга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та республика ҳамда 3 та халқаро илмий-амалий конференцияларда маъруза кўринишида баён этилган ва апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси юзасидан 21 та илмий иш нашр этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйҳагидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 136 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертациянинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқотнинг натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “Ўзбек тили минералогия терминларининг лексик-семантик хусусиятлари” деб номланган бўлиб, уч бўлимни ўз ичига олади.

Бобнинг биринчи бўлимида ўзбек тилшунослигида терминларни урганиш билан боғлиқ долзарб муаммолар ва бажарилиши лозим бўлган вазифалар хақида фикр юритилган.

Қадимий ва бой тарихга эга бўлган минералогия соҳаси, унинг ранг-баранг ва ўзига хос терминологик бирликларининг тадқиқ этиш кўлами бошқа терминосистемалар каби кенг эмас. Республикамизда яратилган геология ва минералогияга оид мавжуд луғатларда уч мингга яқин термин камраб олинганлиги⁸, ушбу луғатлар ҳамда “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” (2006-2008), “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” (2000-2006)да берилган минералогия терминлари, жумладан, *аутиген минераллар, мирабилит, нордмаркит, оникс, оолит, ортит, пегматит, пертит, пироп, тироксинлар* каби юздан ортик минералогия терминлари турлича изоҳланганлиги очиб берилган. Айрим минералогия терминларининг дарсликларда турлича таржима қилинаётганлиги⁹ ва келгусида ўзбек тилидаги мазкур терминларнинг янги мукамал изоҳли луғатини яратиш, уларнинг изоҳланиш тамойилларини белгилаш, соҳа терминлари устида чуқур изланишлар олиб бориш заруриятини юзага келтиради.

Бобнинг иккинчи бўлимида “Минералогия терминларининг маъно хусусиятлари ва классик манбалардаги изоҳи” тадқиқ қилинган. Минералогия илмий терминологиясини такомиллаштириш, тартибга солишда ўтмишда классик манбаларда қўлланган минералогия терминларини туپлаш ва лингвистик жиҳатдан урганиш ҳам зарур. Чунки тарихий терминология замонавий илмий терминологияни меъёрлаштириш, сайқаллаштириш ва бойитишда муҳим манба саналади.

Абу Райҳон Берунийнинг назарий ва амалий кимматга эга “Минералогия”, яъни “Китоб ал-жамоҳир фи-маърифат ал-жавоҳир” (“Қимматбаҳо тошларни билиб олиш бўйича маълумотлар туپлаш”) рисоласининг қиймати бекиёсдир. Мазкур асарда *муаррак* (ақиқ), *жас* (ақиқнинг йўл-йўл, тарам-тарам тури), *суфр* (биринж), *бижозий // бижазий* (гранат), *жисс* (ганч), *тин* (гил), *шибҳ* (жез), *йакут* (ёкут), *сабандан* (ёкутга ўхшаш тош), *жарғжун* (гранатга ўхшаш тош), *алмаз* (олмос), *сунбозаж* (кумқайроқ), *луълуъ // дурр* (марварид), *зумрурд* (зумрад), *ферузаж* (феруза), *буссаж* (маржон шодаси), *жамаст* (сапсар), *лазавард* (ложувард), *йашим // йасиб* (нефрит) каби уч юздан ортик минералларнинг бир неча тиллардаги номлари келтирилган. Демак, буюк аллома ушбу асарида предмет ва унинг номи муносабати масаласига алоҳида аҳамият берган. У минералларга ном берилишининг турли сабабларига ҳам тўхталган. Олим дурнинг номлари жуда қўплигини таъкидлаб, уларнинг асосийларини келтириб ўтади: *луълуъ, дурра, маржона, нутфа, тума,*

⁸ Соҳижов О. Геология луғати: геология терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент, 1958. – 276 б.; Мавлонов Г.О., Ултошев И. Русча ўзбекча геология терминлари луғати 1-қисм. – Тошкент, 1978. – 304 б.

⁹ Бетехтин А.Г. Минералогия курси – Тошкент: Уқитувчи, 1969 – 600 б.

туьомийа, латимийа, садафийа. сиффона, жумона, ванийа, хайжумона, харийда, хуса, саъсаъа ва хасл.

Минералогия терминлари хакида атрофлича маълумот берадиган классик манбалардан бири М.Кошгарийнинг бугунги кунда ҳам тўла қимматини саклаб келаётган машҳур “Девону луғотит турк” асаридир. Бу асарда турли соҳаларга тегишли терминлар, хусусан, тадқиқотимиз объекти бўлган минералогия терминларини кўплаб учратамиз. Мазкур асарда XI асрга оид уттизга яқин минералогия терминлари қайд этилган. Уларнинг айримлари (баъзи фонетик ўзгаришлар билан) бугунги кунда ҳам тилимизда фаол қўлланиб келмоқда. Шунга асосан, “Девону луғотит турк”да ўз ифодасини топган минералогия терминларини тарихийлик нуқтаи назаридан икки гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Бугунги кунда қўлланмаётган, яъни архаик терминлар: *ажмуқ* (ок аччиктош), *эрдіні* (тоза марварид), *бақір* (мис), *білагу* (қайроқ тош), *бут* (тақиладиган феруза тош), *јамраш* (ширач, крахмал), *јāhā* (тутантирик тоши), *јаш* (феруза тош), *кэпак јінју* (майда марварид), *ордудал* (оҳак), *сазінчі // сазінчі таші* (гипс), *сата* (маржон; тақиладиган зийнат асбоби), *туч* (жез), *туч* (мис), *чозін* (бир турли мис), *қарајағ* (кора ёғ – нефт), *қаш* (ок тош – нефрит), *өрүк каш* (ок нефрит), *қошун* (кўрғошин) ва бошқалар.

2. Ҳозирда ҳам қўлланаётган терминлар (айримлари фонетик фарқлар билан учрайди): *қумуш* (кумуш), *чақмақ* (чакмоқ тош), *қоругејин/қургарін* (кўрғошин), (олтин), *јінју* (инжу), *ніждағ* (наждак – қайроқ тош), *таш* (тош), *тэмүр* (темир), *туз* (туз), *чақмақ* (чакмоқ тош) ва бошқалар.

М.Кошгарийнинг мазкур асарида XI асрда қўлланган *бақір*, *қумуш*, *бут*, *таш*, *туз*, *туч*, *туғ*, *қаш* каби омоним терминлар учрайди. Масалан, *бақір* I – мис, *бақір* II – Чин улкасидаги чака (пұл). Ёки *бут* (пуг) I – сон, оёқ; *бут* II феруза тош, *бут* III – қатта бир одам томонидан юборилган совғани келтирган кишига бериладиган мукофот. *Қумуш* I – кумуш (металл); *қумуш* II – кумуш танга; *Қумуш* – чўри номи.

Мазкур асарда синонимик характердаги минералогия терминлари ҳам кузатилади. Масалан, *јаш* – феруза тош, *бут* – тақиладиган феруза тош, *јинжу эртіні* – инжу, марварид; *дур*, *јінју*–инжу, *дур*, маржон; *туч* – мис, *чозі н* – бир турли мис; *ніждағ* – қайроқ тош, *білагу* – қайроқ тош ва бошқалар.

М.Кошгарийнинг “Девону луғотит турк” асарида минералогия терминларининг кўчма ёки мажозий маъноларда қўлланилишидан контекстуал антонимия юзага келганлигини кўришимиз мумкин: *Бар бақірјоқ алтун* (Бор мис (қадрсиз), йук олтин (қадрли). Ушбу мақол “Қўлда бор бўлган нарса мисдек қадрсиз, қўлда бўлмаган нарса олтиндек қадрли” маъносини англатади. Мақолда *бақір* ва *алтун* сузлари “қадрли” ва “қадрсиз” маънолари билан антонимик муносабатга киришган.

Хуллас, бу асар нафақат туркий сузлар, балки туркий терминологияга оид қадимий мерос сифатида ҳам таҳсинга сазовордир.

Минералогия терминлари Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий” асарида ҳам куп учрайди. Уша даврда қўлланган мазкур терминларнинг аксарияти бугунги кунда айнан, айримлари фонетик узгаришлар билан қўлланилаётганлигини куриш мумкин. Асарнинг “Вал-қавлу фис-самовати вал-арзи” деб номланган қисмида Аллоҳ оламини яратишда бебаҳо гавҳардан фойдаланганлиги тасвирланган. Куринадики, *гавҳар* термини XIV асарда қандай қўлланган бўлса, ҳозирги кунда ҳам ҳеч узгаришсиз ишлатилмоқда.

Асарнинг “Қиссаи Иброҳим алайҳис – салом маа намруд алайҳил – лаъна” ва “Қиссаи Қорун алайҳил – лаъна” деб номланган қисмларида *темур* (темир), *бақир* (мис), *бронза* (туч), *қўроғшун* (*қўроғшин*), *олтун* (олтин) терминлари учрайди: “Дарвиш айди: “Явлоқ бенавоман, сабрим йўқ”, теди. Мусо умасиға эрса айди: “Ерда қуринган утларни йиғғил, қурутғил. Андин сунг бир анча *темур*, ё *туч*. ё *қўроғшун*, ё *бақир* сен булдунг эрса эриттил. Бу қурутқан ўтдин озгина анга кемишгил. Қамуғ кизил *олтун* булғай”¹⁰.

Асарда ўз қатлам терминлари билан бир қаторда арабча, форсча, юнон-грекча ўзлашма терминлар ҳам кенг ишлатилганлиги кузатилади. Ҳозирги туркий тилларда, хусусан, ҳозирги ўзбек адабий тилида ўз қатламга оид *олтин* (*олтун*), *инжу* (*йинжу*), қумуш қабилар фаол сўзлар қаторида (фонетик узгаришлар билан) қўлланиб келаётган бўлса, *бақир*, *туч* (*мис*) терминлари истеъмолдан чиққан. Асардаги ўзлашма қатламга оид минералогия терминларини қуйидагича таснифлаш мумкин: арабча қатламга хос бирликлар: а) *ақиқ*, *руҳам*, *дур*, *ёқут*, *қумуш*, *лаъл*, *садаф*; б) форс-тожикча қатламга хос бирликлар: *сийм*, *биллур*, *гавҳар*, *зар*, *қаҳрабо*, *ложувард*, *маржон*, *феруза*; в) юнонча-грекча қатламга хос бирликлар: *зумрад*, *мармар*, *марварид* қабилар. Арабча *руҳам* термини архаиклашган, санаб утилган бошқа минералогия терминлари ҳозирги ўзбек адабий тилида фаол қўлланиб келинмоқда. Мазкур терминлар бадий образ яратишда, борлиқдаги нарса ва ҳодисаларни бир-бирига қиёслашда қадимдан муҳим восита бўлганлиги қуйидаги мисолда кузатилади: “...Олни *қумуштек урун*г, қоши қалам бирла эгмиштек қирпуклари ўктек, юзи кунтек, ёрук янғоклари кизил нортек, энги кумиюр, қароклари қинаюр, *ақиқ эринлик*, тишлари *гавҳартек*, тор оғизлиғ, сузи сучук, узи силиғ, қилиғи тузун, бели иничка, сурати бу, сифати бу, тею ун қилди”¹¹. Бу тарзидаги ўхшатишли қурилмалар бугунги кунда ҳам фаол қўлланилади.

Хуллас, минералогия терминларини диахрон нукта назардан ўрганишда қимматли манба ҳисобланган “Қисаси Рабғузий” асари дамаъдан тошлардан XIV асрда савдо-сотик, турли зебу зийнат ва безак ишларида фойдаланилган.

Минералогия терминлари А.Навоий асарларида жуда фаол қўлланган. Шоир ўз асрларида туркий тил элементлари билан бир қаторда форсча, арабча, шунингдек, юнонча-грекча терминлардан ҳам кенг фойдаланганлигини куришимиз мумкин. Бу тиллардан ўзлашган минералогия терминлари тилимиздаги мавжуд бўлган мазкур терминлари билан ўзаро синонимликни юзага келтирганлиги кузатилади: *инжу* (ўзбекча) – *дур* (арабча); *олтин*/*олтун*

¹⁰ Уша манба. – Б. 12.

¹¹ Рабғузий. Қисаси Рабғузий. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – Б. 113.

(Ўзбекча) – зар (форсча) – заҳаб (арабча); темир / темура (Ўзбекча) – арабча ҳадид; тош (Ўзбекча) – ҳажсар (арабча) – санг (форсча); кумуш (Ўзбекча) – сийм, нуқра (форсча). Шунингдек, шоир асарларида форсча гавҳар ва арабча жавҳар сўзлари ҳамда муайян бир тилдан ўзлашган, яъни форсча сийм, нуқра сўзлари ўзаро синонимлик каторини ташкил этган. Бундан ташқари, шоир ижодида ақиқ / ҳақиқ; бежода / бижода (ф.а. ёқутнинг бир тури); биллур / билур; гавҳар / гуҳар; дур / дурр; зумуррад / зумуррат / зумрад; кимсан / кимсон (бронза); хоро / хора (гранит); фируза / пируза каби минералогия терминларининг фонетик вариантлари ҳам учрайди. Ос, руй, тош, дур каби минералогия терминларининг омонимик катор ҳосил қилиши, шунингдек, кимсон – олтун, гавҳар – тош, олтин – мис терминлари ўртасида контекстуал (матний) антонимия юзага келиши кузатилади. Ишда мазкур терминларнинг маъно хусусиятлари ва классик манбалардаги изоҳи атрофлича ёритилган.

Бобнинг учинчи бўлими “Минералогия терминларида синонимия, омонимия ва вариантлик ҳосил бўлишининг когнитив асослари” деб номланган. Мазкур терминлардаги синонимия ходисасининг ҳосил бўлиши билан боғлиқ когнитив жараёнлар таҳлил қилинган. Фаялит термини эса топилган жой номи (Фаяль Азор архипелагидаги орол) асосида шаклланган. Ушбу терминнинг синоними ҳисобланган оливин терминини ҳосил қилишда минералнинг зайтунсимон ранги (лот. *oliva* – зайтун) инобатга олинган. Хризолит термини ҳам (юн. *chrysolos* – олтин ва *lithos* – тош) айнан шу минералнинг яна бир номи бўлиб, минералнинг шаффоф, олтин тусли, яшил ранги асосида ҳосил бўлган.

Ўзбек тили минералогия терминологиясида синонимиянинг юзага келишига ўз тил бирликлари каторида бошқа тиллардан сўз ўзлаштириш ходисаси ҳам сабаб бўлган ва бу ходиса қуйидаги мисолларда кузатилади: аччиқтош – алунит, тоштуз – галит, темир – феррит, аччиқтуз – эпсомит, тошсовун – бентонит, рух гули – гидроцинкит, тоғ муми – озокерит, тоғ териси – палигорскит кабилар.

Н.А.Баскаков таъкидлаганидек, кўп асрлар давомида қулланиши оқибатида барча арабча-форсча ўзлашмалар эндиликда Ўрта Осиё халқларининг ўз тил бойлигига айланган¹². Бундай ўзлашмалар каторига синонимик муносабатда бўлган қуйидаги минералогия терминларини киритиш мумкин: инжу – дур – марварид; олтин – зар – тилла; кумуш – сийм – нуқра; танакор – бура. Шунингдек, минералогия терминосистемасида ўз тил бирликларига айланган қуйидаги терминларга синоним бўлган ўзлашма терминлар ҳам кузатилади: ақиқ – агат, биллур – хрустал, ёқут – рубин, олмос – бриллиант, забаржад – оливин, ложувард – лазурит, маъдан – минерал кабилар.

Шуниси характерлики, ўзбек минералогия терминосистемасида термин ва перифраза синонимияси ҳам қайд этилади. Масалан: 1. Тошлар шоҳи – олмос. Қадимда олмосетуклик, енгилмаслик, куч ва ҳукмронлик рамзи ҳисобланган¹³; 2. Аждарнинг иссиқ қони – рубин. Рубин қип-қизил рангда

¹² Баскаков Н.А. Современное состояние терминологии в языках народов СССР. – М., 1959. – С.69.

¹³ Бу ҳақда қаранг. Азимий Аъзам. Жавоҳирлар ҳукми остиди. – Тошкент. 2004. – Б. 357.

алангаланиб ёнувчи тиник ва тоза жавоҳир ҳисобланади¹⁴. 3. *Оловли тош* – қизил гранит (*гранат*). Мазкур перифразанинг номланишида табиатда оловдек товланиб турувчи кизил гранитнинг ёкимли кизил бинафша рангда товланиши кишининг эмоционал ҳолатига тинчлантирувчи воситадек таъсир кўрсатиш хусусияти назарда тутилган¹⁵.

Булардан ташқари, *эхтирос тоши* – лаъл, *эхтирос қувватини йўлловчи тош* – қизил турмалин, *олмоснинг укаси* – циркон, *софланиш келтирувчи жавоҳир* – топаз, *донолик тоши* – сапфир, *қоҳинлар тоши* – тоғ биллури, “*учинчи кўз*” *жавоҳири* – аметист, *инсон аурасини шишиқловчи тош* – цитрин, *будда тоши* – тутун ранг кварц, *юрак тоши* – пуштиранг кварц, *юракни ёшартирувчи тош* – хризопраз, *қуёш тоши* – сердолик, *ёшлик эликсири* – турмалин, *аждарҳо тоши* – хризолит, *руҳий хотиржамлик тоши* – тилларанг берилл, *осойишталик тоши* – нефрит, *тонг тош* – родонит, *тош кўз* – сарғиш агат, *шодлик тоши* – мовий халцедон, “*осмон жавоҳири*” – лазурит, *табиатдаги сўнмас гўзалликнинг ифодаси* – малахит кабилар ҳам маъданли тошларнинг турли-туман хусусиятларини ўзида акс эттириб, термин ва перифраза синонимиясини юзага келтиради.

Минералогия терминлари бошқа соҳаларда қўлланувчи терминлар билан шаклан тенг келиши натижасида соҳавий *омонимия* юзага келади. Соҳалараро омонимлик минералогия ва ботаникада қўлланиладиган терминларда юзага келган: минералогияда *олмос* I [т. + а – кимматбаҳо тош <юн. *Adamas* – бузиламас, мустаҳкам] шаффоф, ялтирок соф углероддан иборат ута қаттик, кимматбаҳо тошни англатади (тарашлаб, маълум шаклга келтирилгани “бриллиант” деб аталади); ботаникада эса *олмос* II Заҳарли, сарик гулли ёввойи ўт, олмос ўт¹⁶. Минералогияда *зумрад* I [ф. <юн. *smaragdos* – сабзаранг тош] I Олий сифатли, оч яшил тусли кимматбаҳо тошни билдиради; ботаникада *зумрад* II кечпишар ширин калампир навидир¹⁷.

Минералогия ва анатомия соҳаларидаги омоним терминлар: Минералогияда *дендрит* I – Бирор бир минералнинг тулиқ ривожланган, дарахтсимон тармоқланган кристалларни англатади; анатомияда эса *дендрит* II [юн. *dendron* – дарахт] нерв хужайрасининг дарахтсимон тармоқланган ўсимтасидир, у бошқа нерв хужайраларидан нерв турткиларини қабул қилиб олади.¹⁸

Бундай омонимлик минералогия ва медицина терминологиясида ҳам учрайди. Медицинада буйракнинг, энг аввало, буйрак тутунчаларининг яллигланишини *нефрит* I [юн. *nephros* – буйрак] термини билан ифодаланади. Минералогияда эса *нефрит* термини “яшил ёки оқ рангли тигиз кристалл минерал” (нефритнинг майда тошлари буйрак шаклида булганлигидан ушбу минерал шундай аталган) маъносини ифодалайди.

¹⁴ Уша манба – Б. 359.

¹⁵ Уша манба. – Б. 360.

¹⁶ Узбек тилининг изоҳли луғати. 1-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 665.

¹⁷ Уша манба. – Б. 165.

¹⁸ Уша манба. – Б. 597.

Ўзбек тили минералогия терминологиясида фонетик вариантлик ҳам учрайди. Масалан, *атунит* // *алюнит*, *бриллиант* // *брильянт*, *висмутит* // *бисмутит*, *жемсонит* // *джемсонит*, *кинаварь* // *киноварь*, *отенит* // *отунит* // *аутунит*, *шурсувит* // *шорсуит*, *хамробоевит* // *хамрабаевит* каби.

Ишда минералогия терминологиясидаги мазмуний, шаклий муносабатларни намоён этадиган омилларни ёритишга кенг ўрин берилди.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Минералогия терминларининг генетик, структур-деривацион ва когнитив хусусиятлари**” деб номланган. Бобнинг биринчи бўлимида минералогия терминларининг генетик асоси таҳлил қилиниб, унда ўзбек тилидаги мазкур терминларнинг луғавий таркиби тарихий-этимологик нуқтаи назардан икки қатламга бўлиб ўрганилди:

1. Ўз қатламга оид минералогия терминлари.

2. Ўзлашма қатламга оид минералогия терминлари.

Ўз қатламга оид минералогия терминларини ўзбекча ва умумтуркий терминлар ташкил этади. Умумтуркий терминлар ҳозирги туркий тиллар учун умумий қўлланишда бўлган минералогия терминларидан иборат. Бу турдаги минералогия терминларига *инжу*, *кумуш*, *олтин*, *темир*, *туз*, *тош*, *қўргошин* кабиларни мисол қилиб келтириш мумкин. Минералогияга оид мазкур умумтуркий терминлар туркий тилларнинг айримларида баъзи фонетик фарқлари билан қўлланилади. Масалан, қозоқ тилида *алтын*, *күміс*, *түз*, *інжу*, *тас*, *темір*, *қорғасын*; қорақалпоқ тилида *алтын*, *гүмис*, *дуз*, *хинжи тас*, *темир*, *қорғасын* кабилар.

Ўз қатламнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланадиган ўзбекча сўзлар тилимизда ички манба (аффиксация, композиция ва семантик усул) асосида ҳосил қилинган. Бундай ясама минералогия терминлари ишнинг кейинги бўлимларида кенг таҳлил қилинган.

Ўзбек тили минералогия терминосистемасида бошқа тиллардан кирган терминлар, хусусан, араб, форс-тожик, рус тили ва рус тили орқали бошқа Европа тилларидан ўзлашган терминлар кенг ўрин эгаллайди.

Минералогия терминлари тизимидаги арабча ўзлашмалар миқдори унчалик кўп эмас. Арабча минералогия терминлар Ўрта Осиё ҳудудининг араблар томонидан истило қилиниши, мазкур ҳудудда араб тилининг кенг тарқалиши натижасида ўзлашган. Қуръони Карим ва бошқа манбаларда қимматбаҳо маъданлар ҳақида берилган маълумотлар ўз навбатида мазкур соҳага оид арабча терминларнинг тез суръатлар билан ўзлашишига туртки бўлган. Муқаддас Қуръонда *حجر* ҳажарун - тош, *مِسْوَر* сууун - мис, *نَفْثَة* фаддотун - кумуш, *مَرْجَان* маржунун - маржон, *لَوْلُو* луълуун - марварид, *غَوَّافَرُون* гоофаарун - гавҳар, *حَدِيد* ҳалийдун - темир, *مِسْكَا* maasun - олмос ва бошқа минералогия терминлари учрайди. Арабча ўзлашмалардан *ақиқ*, *дур*, *забаржад*, *лаъл*, *маъдан*, *марказит*, *мумиё*, *сода*, *талъ* кабилар тилимизда фаол ишлатилса, *бура*, *зирних*, *реальгар*, *трона*, *ҳал* кабилар архаиклашган. Араб тилдан ўзлашган минералогия терминлари ўзбек тилида истеъмолда бўлган ўз тил бирликлари билан параллел равишда қўлланганлиги кузатилади: *инжу* ва арабча *дур*; *олтин* ва арабча *заҳаб*; *темир* (темур) ва арабча *ҳадид*;

тош ва арабча *ҳажсар*. Аммо булардан бугунги кунда *ҳадид*, *заҳаб*, *ҳажсар* кабилар, шунингдек, *рухом* (бу термин ўрнида юнонча-грекча *мармар* термини қўлланилади) терминлари ишлатилмайди.

Минералогия терминлар тизимидаги форс-тожикча ўзлашмалардан: *ганч*, *зар*, *зумрад*, *каҳрабо*, *ложсувард*, *марварид*, *маржсон*, *рух*, *тилла*, *пўтиё*, *феруза*, *фарфор* кабилар бугунги кунда ҳам тилимизда фаол қўлланилади. *Биринж*, *дўғоб*, *зок*, *нигин*, *рух*, *санг*, *сийм*, *нуқра*, *сунбозаж* кабилар эса архаиклашган терминлар ҳисобланади. Мазкур тилдан ўзлашган минералогия терминлари умумтуркий терминлар билан параллел қўлланган: *бринж* // *сарих*, *мис*; *марварид* // *инжу*; *ганч* // *бур*; *сунбозаж* // *қумқайроқ*. Булардан *биринж*, *сунбозаж* кабилар тилимизда қўлланмайди, яъни архаиклашган. Бугунги кунда *биринж* термини ўрнига *бронза*, *сунбозаж* термини ўрнига *қумқайроқ* термини қўлланилади.

Ўзбек тили минералогия терминосистемасида русча-байналмилал ўзлашмалар салмоқли ўринни эгаллайди. Рус тили ва у орқали Европа тилларидан айнан ўзлашган терминларни генетик-этимологик асосига қура куйидагича фарклар лозим бўлади: 1. Рус тилининг ўз терминлари; 2. Рус тили орқали Европа тилларидан ўзлашган терминлар.

Рус тилининг ўз минералогия терминларига куйидагиларни киритиш мумкин: *змеевик* – (рус – илон пўстига ўхшаш) силикатлар синфига мансуб минерал, *слода* – (*қад. р.* слуд – юпка, шаффоф муз қатлами) юпка қатламларга ажраладиган қаттиқ шаффоф минерал, *руда* – (*қад. р.* руда – кон; қизил доғ, < рдетъ – “қизармок” фл. дан) таркибида металл ва унинг бирикмалари булган табиий минерал хомашё вабошқалар.

Рус тили орқали Европа тилларидан ўзлашган терминларга юнон-грек, лотин, француз, немис ва бошқа тиллардан ўзлашган терминлар киради.

Юнон-грек тилидан рус тили орқали ўзлашган минералогия терминларига: *авгит* [юн. *auge* – ялтироқ], *аксинит* [юн. *axine* – болта], *апатит* [юн. *apatao* – алдайман], *асбест* [юн. *asbestos* – сўнмайдиган, емирилмайдиган], *барит* [юн. *baris* – оғир] ва бошқалар мисол бўлади.

Лотин тилидан рус тили орқали ўзлашган терминларга: *аквамарин* [лот. *aqua marina* – денгиз суви], *албит* [лот. *albus* – оқ], *вермикулит* [лот. *vermiculus* – чувалчанг] ва бошқалар киради.

Француз тилидан рус тили орқали ўзлашган терминларга: *азури* [фр. *la'zur* – ҳаво ранг тош], *алуни* [фр. *alun* – аччиқтош], *минерал* [фр. *mineral* – руда] ва бошқалар киради. Ишда минералогия терминологияси тараққиётида алоҳида аҳамиятга эга бундай терминлар кенг ёритилди.

Бобнинг иккинчи бўлими “Минералогия терминларининг структур жиҳатдан тавсифи” деб номланган бўлиб, улар содда, қўшма, жуфт ва бирикмали терминларга ажратилиб таҳлил қилинди. Шунингдек, бу тасниф ўз ичида яна ички типларга ажратилди. Масалан, содда терминлар соф содда терминлар, нисбий содда терминлар; соф содда терминлар эса ўз навбатида туб ва ясама терминларга бўлинди ва мисоллар асосида таҳлил қилинди. Ўзбек тили минералогия терминосистемасида қўшма терминларнинг кам

учраши кузатилди (Масалан, аччиктош, олтингугурт, охактош ва бош.) ва бу куйидаги омиллар билан боғлиқлиги аниқланди: биринчидан, кўпгина терминларнинг узлашма шаклда ишлатилаётганлиги; иккинчидан, минералогияга оид кўп тушунчаларнинг тавсифий характердаги бирикма терминлар орқали ифодаланаётганлигидир. Бирикмали терминлар йиғиқ ва ёйиқ бирикма терминлар каби турларга ажратилди.

Ишда минералогия терминларининг ҳар бир турига хос фарқли жиҳатлари ёритилди ва мисоллар таҳлилга тортилди.

Бобнинг учинчи бўлими “Ўзбек тили минералогия терминларининг ясалиш усуллари” деб номланган бўлиб, мазкур терминларнинг аффиксация, композиция ва семантик усулларда ясалиши таҳлил қилинган.

Минералогия соҳасида аффиксация усул билан ясалган терминлар, асосан, турли геологик жараёнлар билан боғлиқ тушунчаларни ифодалашга хизмат қилади. Бундай терминлар куйидагича ҳосил қилинган: 1. Ўз тил бирликларига ўзбекча ясовчи аффиксларни қўшиш орқали: *олтинламоқ, ажсроқ, оқизик, югиртирма, ялтироқлик, холланиш* кабилар; 2. Узлашма сузларга ўзбекча ясовчи аффиксларни қўшиш орқали: *албитланиш, амфиболланиш, каолинланиш, минералланиш, эпидотланиш* ва бошқалар. Бу жараёнда *-ла, -қ, -иқ, -ма, -лик, -лан* аффикслари фаол қатнашади.

Минералогия терминлари композиция усулида ясалганда қўшма ва бирикма терминлар ҳосил бўлади. Масалан: *қолинтош, темиртош, тоштахта, тошқумир, олтингугурт, кобальттош, марганцтош, сурматош* (қўшма); *аргаш ўғитлар, антигоритли серпентин, биотитли гранит, гилли минераллар, ялтироқ қўргошин, янгиланган минераллар (бирикма)* кабилар. Ўзбек тилида семантик усулда термин ясалишининг фаоллиги А.Мадвалиев, Х.Шамсиддинов, И.Пардаева, З.Мираҳмедова, М.Миртожиев, Ф.Исмаилов каби олимларнинг диссертация ва монографияларида қайд этилган¹⁹. Шунингдек, С.Иброҳимовнинг тадқиқотларида касб-хунар терминларининг семантик усулда ясалиши ҳақида хулосалар берилган²⁰.

Мазкур масала Ф.Исмаиловнинг “Ўзбек тили терминологик тизимларида семантик усулда термин ҳосил бўлиши” номли номзодлик диссертациясида алоҳида тадқиқ этилган. Мазкур ишда бошқа тиллар каби ўзбек тилида ҳам терминлар ҳосил бўлишида семантик усулнинг ўзига хос ўрни борлиги кўрсатилган.

Ўзбек тили минералогия терминологиясида семантик усул билан термин ясалиши, биринчидан, умумистеъмолдаги лексемаларнинг муайян фан соҳаси терминларига айланиши, иккинчидан, зоология, ботаника, анатомия

